Ушбу сонда:
2 МИЛЛАТ БУЮКЛИГИ АЁЛ БУЮКЛИГИДАН БОШЛАНАДИ
3 КАСАБА УЮШМАЛАРИ ШИФО МАСКАНЛАРИДА
4 *Мустақиллик шарофати* БАДАВЛАТ ОИЛА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

UZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 29 июн, сешанба №85 (732)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ*

## Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартибини йўлга қўйиш ва соддалаштириш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлари икки ҳафта муддатда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва (ёки) қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш бўйича доимий ишловчи махсус (республика, вилоят, шаҳар ва туман) комиссияларини тузсинлар, уларнинг таркибига ҳокимиятларнинг, молия, солиқ ва юридик органларнинг, банк муассасаларининг, статистика, ички ишлар органларининг, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг вакиллари киритилсин.

Тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоят, шаҳар, туман ҳокимининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари махсус комиссиянинг раиси этиб белгилансин.

2. Тузилаётган ҳудудий махсус комиссиялар зиммасига қуйидаги вазифалар юклансин:

молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва (ёки) қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналар фаолиятини бундан буён давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани ҳал қилиш;

молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва (ёки) қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарнинг муассислари (қатнашчилари) ёки таъсис ҳужжатларида вакил қилинган органлар уларни тугатишга рози бўлмаган, шунингдек, мазкур шахслар ва органларнинг турган жойини аниқлаш ҳамда уларни тугатиш жараёнига жалб этишни таъминлаш мумкин бўлмаган ҳолларда хўжалик судларининг қарорлари бўйича ана шундай корхоналарни тугатиш жараёнини амалга ошириш.

3. Белгилаб қўйилсинки, савдо ҳамда савдо-воситачи корхоналар уч ой мобайнида, бошқа хўжалик юритувчи субъектлар - юридик шахслар олти ой мобайнида банк ҳисоб варақалари бўйича пул операцияларини ўтказиш билан молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаган тақдирда, тижорат банклари:

хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб варақаларини ёпадилар;

хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб варақалари ёпилган санадан бошлаб уч кун муддатда у ҳисобга қўйилган жойдаги солиқ хизмати органига мазкур субъект фаолиятини бундан буён давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалаларни белгиланган тартибда ишлаб чиқиш учун ахборот берадилар.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ёпиладиган ҳисоб варақаларидаги маблағлар қолдиғи тижорат банклари томонидан шу маблағлардан фойдаланиш ҳуқуқини бермайдиган махсус ҳисоб варақаларга қўшилади, хўжалик юритувчи субъектнинг тўлаш учун банкка тақдим қилинган кредиторлик қарзи эса - кутилмаган ҳолатларнинг алоҳида ҳисоб варақаларига ўтказилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар номига келиб тушадиган маблағлар уларнинг банк ҳисоб варақалари ёпилгандан кейин фойдаланиш ҳуқуқини бермайдиган махсус ҳисоб варақаларга қўшилади.

Фойдаланиш ҳуқуқини бермайдиган махсус ҳисоб варақаларга жамланган маблағлар тижорат банклари томонидан биринчи навбатда хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджет ҳамда бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги қарзини тўлашга, қолган суммаларни эса - тўловларнинг календар навбатига қараб уларнинг кредиторлик қарзларини тўлашга сарфланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва жойлардаги давлат ҳокимияти органлари солиқ органларининг тақдимномаси ҳамда ҳудудий махсус комиссиянинг тегишли хулосаси бўйича улар рўйхатга олган корхоналарни тугатиш жараёнларини, шу жумладан, зарур ҳолларда суд тартибида амалга ошира бошласинлар.

Белгилаб қўйилсинки, муассислар (қатнашчилар) ёки улар томонидан вакил қилинган органлар турган жойини аниқлаш имкони бўлмаган ҳолларда корхона молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётганлар тоифасига киритилган ва бу ҳақда оммавий ахборот воситаларида тегишли эълонлар босиб чиқарилган кундан бошлаб уч ой муддат ўтгандан кейин тугатиш жараёни суд тартибида амалга оширилиши мумкин.

5. Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва (ёки) қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тўғрисидаги ишлар бўйича аризачи ва жавобгар суд чиқимлари ҳамда давлат божи тўлашдан озод қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларига қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

«Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган қўшимча рағбат ва имтиёзлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 30 ноябрдаги 1652-сон Фармонининг 6-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Белгилаб қўйилсинки, хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарнинг устав жамғармаларини таъсис ҳужжатларида кўзда тутилган миқдорларда шакллантиришнинг охирги муддати ҳукуматнинг айрим қарорларида бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса, корхона давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб бир йилдан ошмаслиги керак»;

«Янгидан ташкил этилаётган хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан банк ва солиқ назоратини кучайтириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 20 мартдаги 2276-сонли Фармонининг 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

8. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур Фармонни бажариш юзасидан қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1999 йил 28 июн

*Огоҳ бўлайлик!*

## АҚИДАПАРАСТЛИК — ХАВФЛИ ИЛЛАТ

**Инсоният пайдо бўлибдики, асл ҲАҚИҚАТни англашга ҳаракат қилиб келади. Ўзининг бу ёруғ дунёга келиш сабабияти ва моҳиятини, яшашдан мақсад ва вазифасини билишга интилади. Хўш, бу борада нималарга таяниш мумкин? Ақлгами? Башариятнинг минглаб йиллар тўплаган ҳаётий тажрибасигами? Ёки аждодларимизнинг асрлар давомида шаклланган анъана, урф-одатларигами? Ёҳуд валийларимизнинг бизга мерос қолдирган илм-заковатигами?**

Донишмандлар: тарих такрорланиб туради, дейдилар. Бу - ҳаётнинг бурилиш нуқталарида, мамлакат ва халқ тақдири ҳал қилинаётган паллаларда ўтмишдаги хатолик ва адашишлар нечоғлик қимматга тушишликдан огоҳликдир. Бунда барча фуқароларнинг (йўлбошчидан тортиб оддий одамгача) ҳамжиҳат ва бир мақсад сари якдил бўлишлари муҳим аҳамиятга эга.

Мустақилликни қўлга киритганимизга тарихан унча кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамасдан муайян улкан ютуқларга эришдик. Аммо буҳронли замонлар исканжасидан чиқиб кетиш осон кечмаганлигини сезиб турибмиз. Олдимизда юксак вазифа турибди: биздан озод ва обод ВАТАН қолмоғи керак! Бунинг учун аввало ЎЗЛИКни англаш лозим. Ўзлигимизни англаш эса она бешик — Ўзбекистонни муқаддас диёрга айлантириш орзусида ҳар сония курашиш демакдир. Зеро, ВАТАНсиз ҲАҚИҚАТни англаб бўлмайди.

Мир Алишер Навоий ҳазратлари айтганларидек:

**Олтин қафас ичра гар қизил гул битса,**
**Булбулға тикондек ошён бўлмас эмиш.**

Юқорида истиқлолни қўлга киритдик, дедик. Дарҳақиқат, бу шундай. «Эришиш» деганда қандайдир осон йўл тушунилмасин. Жадидлар ҳаракатининг атоқли намояндаларидан бири - Абдулла Авлоний «эрк ва озодлик берилмайди, балки курашиб олинади» деганда юз карра ҳақдир. Тошкентдаги 16 феврал воқеаси ушбу башоратнинг нақадар тўғри эканлигини яна бир бор исботлади. Тўғриси, шундай мудҳиш ҳодиса мустақилликнинг саккизинчи йилида содир этилишини ҳеч ким кутмаганди. Биз шу кунгача жамият тараққиётини табиий ривожланиши тариқасида қабул қилишга ўрганиб қолгандик. Ваҳоланки, бу кутлуғ ҲУРРИЯТ йўлида қанчадан-қанча азиз, буюк аждодларимиз ўз жонларини қурбон қилишган эди. Абдурауф Фитрат, Чўлпон, Усмон Носир, Абдулла Қодирий, Боту, Элбек... каби жаҳолатга қарши курашган доно зиёлиларимиз шаҳид бўлишган. Улар ноҳақ қатағон қилинганлар.

ДАВР мустақиллик йўлбошчисини халқ хоҳиш иродаси ўлароқ ўзи танлаб берди.

Бу бахт боқий бўлсинки, ИСЛОМ КАРИМОВ салтанат тепасига келди. Ва у халқимизни таҳликали синовлардан эсон-омон олиб ўтди. Барқарор турмуш тарзини таъминлаб берди. Мамлакатимиз нафақат собиқ шўро давлатлари орасида, балки жаҳон ҳамжамияти аъзолари ичида ҳам ўз нуфузини орттириб бормоқда. Бу - ҳақиқат. Эндиликда буни ҳеч ким инкор этолмайди. Ҳатто ғанимлик фикрида турган, равнақимизни кўролмайдиган кимсалар ҳам тан олишмоқда.

Аммо... демократик ҳуқуқий давлат барпо этилаётган, иқтисодий муносабатларни қонуний меъёрлар асосида шакллантиришга ҳаракат қилаётган, бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос қийинчиликларини мардонавор енгиб ўтаётган мамлакатимиз ҳаётига раҳна солгувчи кучлар ҳали бор экан.

Абдулла Авлоний ўз даврида шундай мазмунда ёзган эди: «Ойнинг ўн беши қоронғу, ўн беши ёруғ, дейдилар. Бироқ, аҳволимизга боқсак, ойнинг ўттиз куни ҳам бизга қоронғу. Чунки, босқинчилар маънавиятимиз ва маърифатимизни йўқ қилмоқчилар. Бунинг учун улар урф-одатимиз, миллий хусусиятимиз, анъаналаримизга ёт бўлган хусусиятларни тиқиштирмоқдалар. Бу билан ЎЗЛИГИМИЗни йўқотмоққа уринмоқдалар. Ана шундай бир пайтда ақидапарастлик орқали барчамизнинг ҳамжиҳатлик ила ҳаракат қилишимизга тўсқинлик қилишмоқда. Айни пайтда пароканданикни вужудга келтирмоқдалар. Агар уламолар эл-улусни бирлаштиришга уринганда эди, ҳеч қандай ғайри куч бизни босиб ололмасди...»

Демак, кўриниб турибдики, жаҳолатдан чиқиб кетишнинг бирдан бир йўли — МАЪРИФАТдир. Маърифат эса дилни поклайди, ақлни тиниқлаштиради. Ундан кўнгил нурланса, ақл теранлашади. Илмга эҳтиёж ошади. Билимли ва маърифатли эл енгилмасдир! Демак, валийларимиз заковатига таянмоқ - АДАШМАСЛИКДИР!

Ақидапарастлик динимиз учун ёт унсур ҳисобланади. Бу йўлда юрганлар қаттиқ янглишадилар. Муқаддас ИСЛОМ динини ниқоб қилиб, бидъат кўчасига тушиб қолганлар вақти келиб афсус-надоматлар қиладилар. Улар Хўжа Баҳовуддин Нақшбандий тариқатининг («дил ба ёр, даст ба кор — дилингда худо бўлсин, қўлинг — меҳнатда!»), Имом Ат Термизий ўгитларининг, Хўжа Исмоил Бухорийнинг насиҳатларини ҳамда Аҳмад Яссавий ҳикматларининг туб маъносини ўқиб, уқиб олсалар тўғри йўлга тушишлари осон кечарди. Токи улар ғанимлар уйдирмасига учиб, АСЛИЯТларидан ажралиб қолмасинлар. Ҳолбуки, сўнгги пушаймон — ўзингга душман.

Ислом дини муқаддас. Қуръони Карим ҳамда пайғамбаримиз Муҳамммад алайҳис-салом ҳадисларида кўрсатилган йўл-йўриқларга зид бўлган ҳар қандай оқим ва бирлашмалар бидъат саналур. Шуни унутмаслик керакки, ВАТАН ва ЎЗЛИКни англаш — ҲАҚИҚАТга етишмоқдир. Бинобарин, маърифатли бўлмоқ биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

**Муродулла ҒАФУРОВ.**

*Касаба уюшма ҳаёти: болаларни соғломлаштириш оромгоҳлари ва муаммолар*

**Болажонлар орзиқиб кутган ёзги дам олиш мавсумининг қизғин дамлари кечмоқда. Ўғил-қизлар тоғ бағрида, денгизлар бўйида, табиатнинг сўлим гўшаларида жойлашган оромгоҳларда мазза қилиб дам оладилар, чўмиладилар, табиат қўйнига саёҳатга чиқадилар, тўгарак ишларида қатнашадилар, дискотекаларда қувнайдилар, янги дўстлар орттирадилар.**

## 1. ЎҚУВ ДАСТУРЛАРИГА КИРИТИЛСА

Фарзандларимизнинг мазмунли дам олишларини ташкил этиш, бу муҳим ишнинг даражасини ошириб бориш, жамиятимизнинг, ҳар биримизнинг муқаддас вазифамиздир. Болаларни соғломлаштириш мавсуми ишларини ташкил этиш юзасидан жойларда ўрнак олгудек илғор тажрибалар бор. Шунингдек, камчиликлар, қилиниши лозим бўлган ишлар, ёшлар, Ватанимиз келажагини ўйлаб босқичма-босқич бажарилиши лозим бўлган, кечиктириб бўлмайдиган ишлар кўндаланг турибди.

Бўстонлиқ туманида жойлашган «Семурғ» болаларни соғломлаштириш оромгоҳи республикамиздаги энг намунали масканлардан биридир. Мавсумга бу йил ҳам қойилмақом қилиб тайёргарлик кўрилди ва оромгоҳ биринчи навбатда 600 нафар ўғил-қизни ўз қучоғига олди. Бу ерда истиқбол эгаларининг сермазмун дам олишларини ташкил этиш юзасидан бой тажриба тўпланган. Тўғри, мазкур муассаса имкониятлари кенгроқ. Лекин гап бу ҳақда эмас, балки ишни тўғри ташкил этиш, имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш, ишга ҳалақит бераётган муаммолар ва уларни ҳал этиш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар тўғрисидадир.

Суҳбатдошимиз «Семурғ» болаларни соғломлаштириш оромгоҳининг бошлиғи, педагогика фанлари номзоди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Даниэл Абдуллаев. У мазкур оромгоҳ фаолиятининг биринчи куниданоқ, яъни 1971 йилдан шу лавозимда меҳнат қилиб, оромгоҳнинг шундай намунали бўлишига муносиб ҳисса қўшган. У болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳи ишларини ташкил этиш юзасидан қатор тавсияномалар, услубий маслаҳатлар муаллифидир. Бир неча йилдирки ёзги болаларни соғломлаштириш оромгоҳлари ишини ташкил этишга бағишланган семинар-кенгашлар худди шу ерда ўтказилмоқда. Шу боис тажрибали мутахассисга бир неча савол билан мурожаат этдик.

**САВОЛ: Болаларни соғломлаштириш оромгоҳлари иши нисбатан ночорлашган деган гаплар ҳам оралаб қолди. Сизнинг муносабатингиз?**

**ЖАВОБ:** Уй ҳам, катта бинолар ҳам, технологиялар ҳам бир кунда бунёд бўлмайди. Аста-секин, маълум муддат билан. Ана шу жиҳатларни ҳисобга оладиган бўлсак, келажагимиз эгалари, хусусан, болаларни соғломлаштириш оромгоҳларига бўлган эътибор мустақиллик даврида жуда катта бўлаяпти,дея бор овоз билан айта оламан. Мустақиллик даврида эълон қилинган «Халқ таълими тўғрисида»ги қонунда бундан буён болаларни соғломлаштириш оромгоҳи қайси корхона, хўжалик, ташкилотга қарашли бўлишидан қатъий назар халқ таълими муассасаларига тегишли бўлиши таъкидланган ҳамда у мактабдан ташқари болалар муассасаси тоифасига киритилган. Президент Фармонига мувофиқ йил бўйи ишлайдиган болаларни соғломлаштириш оромгоҳи бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари педагогларга бериладиган имтиёзлардан фойдаланадилар.

Илгари болалар оромгоҳлари бошлиқлари мавсумга, яъни уч ойга тайинланар эдилар. Вақтинчалик одам бўларди. Ҳозир эса оромгоҳ бошлиғи йил бўйи фаолият кўрсатади. Шундай бўлгандан сўнг дадил ишлайди. Демак, бизда болаларни ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари ишини яхшилашга эътибор жуда яхши.

Яқинда Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа мамлакатлардан ҳамкасблар тажриба алмашгани келишди. Бизда ҳукумат томонидан болаларни соғломлаштириш оромгоҳларига эътибор, шарт-шароитларни, эълон қилинган ҳуқуқий муҳофазаларни кўриб ҳавас қилишди.

«Бизда минг афсуски, кўпгина болалар оромгоҳлари турли фирма ва ташкилотларга сотиб юборилди, сони камайиб кетди» деб афсусланишди.

Ҳукуматимиз қўллаб-қувватлаши натижасида. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши бирор болалар оромгоҳини бошқа мақсадларга сотилишига йўл қўймади. Бунинг ўзи катта ютуқ.

**САВОЛ: Бизда ҳамма ишлар рисоладагидек дея оламизми?**

**ЖАВОБ:** Камчиликлар ҳам оз эмас. Олма пиш, оғзимга туш деган билан иш битмайди. Интилишимиз, тадқиқотлар олиб боришимиз, жойлардаги илғор тажрибаларни оммалаштиришимиз керак. Ўзбекис-

(Давоми 2-бетда)

## СУД ҲУКМИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

**1999 йилнинг 2 июнида Ўзбекистон Республикаси Олий судида шу йилнинг 16 феврал куни Тошкентда мамлакат Президенти ва давлатимизнинг бошқа раҳбарларини жисмонан йўқ қилиш, Конституциявий тузумга қарши кўпорувчилик ва бошқа ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланувчи йигирма икки нафар шахсга нисбатан очиқ суд жараёни бошланган эди.**

28 июн куни Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати, Олий суд Раисининг биринчи ўринбосари А.Полвонзода раислигида, Олий Суд судьялари Р.Акбаров ва Қ.Исаров таркибидаги суд ҳайъати суд мажлиси давомида судланувчилар, гувоҳлар, жабрланувчиларнинг кўрсатмаларини, тарафларнинг музокара сўзларини, судланувчиларнинг охирги сўзларини ва ишда тўпланган бошқа далилларни маслаҳатхонада ҳар томонлама таҳлил қилганлигини, судланувчиларнинг ҳар бирини Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан ҳақиқий содир этган жиноий ҳаракатларига асосан айбли деб топганлигини кўрсатиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 59-моддаси, яъни содир қилган жиноятлар мажмуи асосида ҳар қайси жинояти учун алоҳида жазо турларини белгилаб, шу белгиланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан судланувчиларга ўташ учун қуйидагича қатъий жазолар тайинланганлигини эълон қилди.

Судланувчилардан Козимбек Зокиров, Баҳром Абдуллаев, Зикир Ҳасанов, Муҳаммад Абдураҳмонов, Зоҳиджон Деҳқонов, Талъатбек Нуралиев ўлим жазосига ҳукм этилди.

Рустам Маматқулов, Дилшод Камолов, Шерзод Шеров, Ҳотамшер Назаров, Орифжон Алимов, Абдунаби Нишонбоев, Ҳусанбой Закиров, Нодирбек Умаровларнинг ҳар бири 20 йил муддатга, Оловуддин Болтаев 18 йил муддатга, Каримжон Узоқов ва Аҳад Мамажонов 15 йил муддатга, Зайниддин Асқаров 11 йил муддатга, Фозилжон Асқаров, Нурали Йўлдошев, Қаҳрамон Ниёзмуҳамедов, Бахтиёр Турдиохуновларнинг ҳар бирига 10 йилдан муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланиб, жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташ белгиланди. Суд уларга жазо тайинлашда Президентимиз ва халқимизни кечиримли эканликларини ҳам назарда тутди.

Қонунларимиз инсон ҳуқуқларини, у ким бўлишидан қатъий назар, ҳимоя қилади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати биринчи босқичда кўрилган ушбу иш бўйича чиқарилган ҳукмни ўқир экан, судланувчилар ҳукмдан норози бўлса, Олий Суднинг Раёсатига кассация тартибида шикоят қилиш ҳуқуқидан фойдаланишлари ҳамда авф этиш ва илтимос қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилди.

**Т.БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири**

## ЖУРНАЛИСТЛАР БАЙРАМИ

**Пойтахтимиздаги Улуғбек номидаги боғда 27 июнь - Матбуот ва оммавий ахборот воситалари куни муносабати билан байрам тантаналари бўлиб ўтди. Байрам таровати билан бурканган оромгоҳга республикамизнинг таникли журналистлари, радио ва телевидение ходимлари, матбаачилар тўпланди.**

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига байрам Табригини Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ахборот тарғибот-таҳлил марказининг раҳбари С.Ҳакимов ўқиб эшиттирди.

Тантаналарда сўзга чиққан Давлат матбуот қўмитаси раиси Р.Шоғуломов, Ўзтелерадиокомпания раиси А.Кўчимов ва бошқалар Президентимизнинг самимий кутлови учун миннатдорлик билдириб, йиғилганларни байрам билан қизғин табрикладилар. Журналистлар ислоҳот ва янгиланиш йўлидан боришнинг масъулиятини ҳис этадиган, бу борадаги муаммоларни ечишга ҳисса қўшадиган маърифат тарқатувчилар бўлишлари лозимлигини таъкидладилар.

Тадбир давомида Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси томонидан ўтказилган «Йилнинг энг яхши журналисти» танлови ғолибларига фахрий ёрлиқлар ва эсдалик совғалар топширилди.

Байрам тантаналарида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н.Жўраев, Президентнинг Матбуот котиби А.Ғуломов иштирок этди.

*Касаба уюшмалари шифо масканларида*



# «Чимён»: САЛОМАТЛИККА КАФОЛАТ

**«Чимён» санаторийси Олой тизмасининг Қатрон-тоғ этакларида денгиз сатҳидан 700 метр баландликдаги Олтиариқсой соҳилида жойлашган. Унга энг яқин шаҳарлар Фарғона, Марғилон, Қўқон, Наманган ва Андижон ҳисобланади. Водил, Арслонбоб ва Шоҳимардондаги дам олиш масканлари ана шу ҳудуд атрофидадир.**

**Сиҳатгоҳнинг ёқимли иқлими, бу ердаги бошқа шифобахш омиллар қаторида алоҳида ўрин тутади. Ёғингарчилик кам бўлади. Ҳаво намлиги ва атмосфера босими деярли ўзгармайди. Йил давомида қуёшнинг нур сочиб туриши 2500-2700 соатга тенгдир. Бу кўрсаткич Сочи ва Кисловодскда 2100 соатдан сал кўпроқни ташкил этади.**

## МЎЪЖИЗАВИЙ ТОПИЛМА

30-йилларнинг бошларида нефт қидирувчилар Чимён қишлоғи теварагида иш олиб борарди. Қазилаётган қудуқларнинг бирида нефт нишонаси пайдо бўлганида бурғуловчиларнинг бошлари осмонга етганди. Лекин бу қувонч узоққа чўзилмади. Чунки орзиқиб кутилган нефт ўрнига ер остидан қандайдир яшил-қорамтир, ўткир ҳидли, истеъмол қилишга яроқсиз иссиқ сув фаввораси отила бошлади. Кончилар сув нафасининг қайтишини бир неча ўн кунлаб кутишди. Ниҳоят, нефтчиларнинг ҳафсаласи пир бўлиб, жойни ўзгартиришга мажбур бўлишди. Очилган иссиқ сув эса ўз ҳолига ташлаб қўйилди.

Маҳаллий аҳолининг ривоят қилишларича, бозордан юк ортиб келаётган бир от-арава эгаси билан йўл четида пайдо бўлиб қолган қора ҳалқоб сувга ағдарилиб кетади. Арава ва юкларни бадбўй сувдан чиқариб олиш учун йўловчи бир неча кун овора бўлади. Унга ёрдам бермоқчи бўлганлар ҳам шу сувда «чўмилиш»га мажбур бўладилар. Ёрдамчилардан бири баданидаги тошма мазкур мажбурий муолажадан тузалиб бораётганини ва ўзини бардам ҳис қилаётганини сезиб қолади. У кейин ҳам ювиниб тургани учун дардига шифо топади ва бу ҳақда Чимён чойхонасида гап тарқатади. Сувга тушган отнинг оёғидаги қўтир йўқолиб кетиб, териси майин бўлиб қолади. Ана шундан кейин бу мўъжиза сувдан шифо топиш учун фойдалана бошлайдилар. Беморлар оёқларини сувга солиб ўтириш, баданларига суртиш, ювиниш каби муолажаларни оладилар ва яхши натижаларга эришадилар.

Кейинчалик олимлар томонидан бу шифобахш сув ва маҳаллий иқлим чуқур ўрганилади. 1947 йил Чимён қишлоғидаги ана шу мўъжиза булоқ ёнида олтингугуртли минерал сув муолажалари ёрдамида ревматизм, экзема, бод, бўғин ва юрак-қон томирлари, қон алмашинувининг ёмонлашуви хасталикларини даволовчи кичик мавсумий шифохона ташкил этилади. Бир неча йилдан сўнг у бальнеологик шифохонага айлантирилади. Ва ниҳоят, 1979 йил «Чимён» санаторийсига асос солинади. Мана, 20 йилдирки, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қошидаги Курортлар бошқармасига қарашли мазкур сиҳатгоҳда минглаб ҳамюртларимиз ҳамда хорижий фуқаролар саломатликларини тиклаб, меҳнат қучоғига қайтмоқдалар. Бунда оромгоҳнинг очилишидан бери бош ҳаким вазифасида ишлаб келаётган Карим Раҳмоновнинг ҳиссаси каттадир. Чунки у сиҳатгоҳни сўлим, гўзал масканга айлантириш, билимли, тажрибали шифокорлар сафини кенгайтириш ва бошқа хайрли ишларда бош-қош бўлди.

## МИЖОЗ ТАЛАБИ - ҚОНУН

- Оромгоҳ йўлланмасига бўлган талаб нафақат республикамиз, балки хорижий давлатларда ҳам ортиб бормоқда, - дейди бош ҳаким. - Хусусан, Ўзбекистонда жойлашган кўплаб халқаро ташкилотлар ва қўшма корхона маъмуриятлари сиҳатгоҳ билан кўп йиллик шартномалар тузишга тайёр эканликларини маълум қилишмоқда. Шунинг учун оромгоҳ моддий-техника базаси, хизмат кўрсатиш маданиятини янада яхшилаш ва биноларни жаҳон андозалари даражасида қайта қуриш талаб этилмоқда. Бу юмушларни амалга оширишда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг беминнат ёрдамларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Шу йилнинг ўзида Федерация томонидан ажратилган 25 миллион сўм эвазига санаторийнинг 4-корпуси Европа андозалари талабига жавоб берадиган даражада қайта таъмирланаётганини бунга мисол қилиб келтирса бўлади. Буюртмачи Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг капитал қурилиш бошқармаси бўлган нуқтада таъмирлаш ишлари шу йил апрел ойи охирида бошланган эди. Шунга қарамасдан ҳозирги кунгача бинонинг том қисмида қилиниши керак бўлган ишлар 100 фоизга бажарилди. Электр билан боғлиқ ишлар эса 70 фоизга адо этилди. Бино қайта таъмирлангандан кейин унинг ҳар бир хонасида музлатгич, кондиционер, телевизор, қўшимча дам олиш хоналари бўлади. 2000 йилда Федерация томонидан санаторийни таъмирлаш учун яна 100 миллион сўм ажратилиши кўзда тутилмоқда. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, санаторий учун йўлланмаларнинг 70 фоизидан кўпроғи Федерация ёрдамида сотилмоқда. Йўлланмага тўланадиган маблағнинг асосий қисми касаба уюшмалари ҳисобидан қопланаётганлиги меҳнаткашларга катта ёрдам бўлмоқда.

Сиҳатгоҳда қишга тайёргарлик ишлари ҳам жадал суръатларда олиб борилмоқда. Жорий йилда бунинг учун 7 миллион сўм маблағ ажратилган. Айни чоғда канализация сув ўтказиш қувурлари қайта таъмирланмоқда, яроқсизлари алмаштирилмоқда.

Маъмурият мижозларнинг таклиф-истакларини ҳисобга олиб ҳозирги кунда йўлланмаларни тўловнинг турли усулларида сотмоқда ва ички имкониятлардан келиб чиқиб даволанувчиларни йилнинг тўрт фаслида қабул қилиб олмоқда. Хоҳловчилар эса бу ерга келиб пулли хизмат бўйича мутахассис шифокорлар назорати остида керакли муолажаларини олишмоқда. Сиҳатгоҳда бундай мақсадлар учун 50, кичик ёшдаги болалар билан дам олувчилар учун эса 100 ўрин ажратилган. Болалар ҳам алоҳида назорат остида даволаниб, 5 маҳал иссиқ овқат билан таъминланаяптилар. Оилалилар учун барча маданий-маиший шароитларга эга бўлган кўп хонали алоҳида бино ажратилган.

## СОФ ҲАВО - ТАНГА ДАВО

Бош ҳакимнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосари Лазокат Боймирзаева билан сиҳатгоҳ ҳудудини айланар эканмиз, бу ерда дам олувчилар учун барча шарт-шароитларнинг яратиб берилганлигининг гувоҳи бўлдик. Масалан, замонавий 2 қаватли бинодаги табиий манбалар (водород сульфидли, ваннахоналар, гиёҳли ваннахоналар, балчиқ, шам, тоғ муми) билан таъминланган муолажа бўлимлари, электр билан даволаш, тишни даволаш, гинекология, андрология, турли лабораториялар, фитобар, спорт ва бадантарбия майдонлари, турли услубдаги уқалаш хоналари, чўмилиш тошҳовузи ва бошқалар беморларнинг шифо топишига кафолатдир. Кўп қаватли 5 та кўркам ётоқ биноси, 2 қаватли ошхона, таркибида қишки кинотеатр, кутубхона, рақс клуби, биллиард ва бошқа кўнгилочар ўйинлари бор маданият саройи ишлаб турибди. Ресторан, бар, чойхона, почта ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш нуқталари доимо очиқ. Биноларнинг барчаси рассом-дизайнерлар томонидан юксак дид билан безатилган. Боғдаги сайлгоҳ йўлак ва сўқмоқлар, болалар майдончалари, мўъжаз суҳбатгоҳлар, сой соҳилига олиб тушувчи зиналар, фаввoралар, сайроқи қушларнинг нағмаси билан оромгоҳ янада файзлидир.

Дам олувчиларнинг бўш вақтларини кўнгилли ва мазмунли ўтказиш учун барча чоралар кўрилган. Сиҳатгоҳ қошидаги «Марварид» миллий дастаси уюштирадиган концерт ва рақс кечалари, элга танилган қўшиқчи ва сўз усталарининг чиқишлари, шоирлар, ёзувчилар, рассом ҳамда бастакорлар билан учрашувлар шулар жумласига киради. Шунингдек, тарихий ёдгорликларга, Фарғона водийси шаҳарларига саёҳатлар уюштириб турилади. Спортнинг хилма-хил турлари бўйича мунтазам равишда мусобақалар, соф ҳавода турли кўнгилочар ўйинлар ташкил қилинади. 6 мингдан ортиқ китоб заҳирасига эга бўлган кутубхона ва ҳар куни куни янги-янги газеталарни етказиб берадиган дўконлар ҳам дам олувчилар хизматидадир.

## СОҒЛИҚНИ ТИКЛАШ ОМИЛЛАРИ

Бахтиёр Қурбонов «Асакаёғ» ҳиссадорлик жамиятида муҳандис вазифасида ишлайди. Бундан икки-уч йил муқаддам у асаб касаллигига чалинганди. Шифокорлар «Чимён» санаторийсида даволанишни тавсия этишди. Шу боис у ўтган йили мазкур оромгоҳда дам олиб, соғлигини тиклаб кетди.

- Сиҳатгоҳ ёқиб қолгани учун бу йил ҳам меҳнат таътилини шу ерда ўтказишга аҳд қилдим, - дейди унинг ўзи. — Ўзим билан бирга ишлайдиган дўстим Абдурасул Иброҳимовни ҳам олиб келдим. Минерал ванна, массаж, электрофарез, парафин ва бошқа муолажаларни олдим. Ҳозир асабларим яхши. Шунинг учун тажрибали шифокор ва ҳамширалардан жуда миннатдорман.

- Мен бу ерга турмуш ўртоғим билан келганман, - дейди самарқандлик Маъмуржон Тоиров. - Келганимизга унча кўп бўлмаганлигига қарамай, ўзимизни яхши ҳис қилаяпмиз. Чунки бу ерда яхши даволаш билан бир қаторда дам олиш учун ҳам ҳамма шароитлар муҳайё экан. Масалан, биз ётган хонада телевизор, музлатгич ишлаб турибди. Хона ҳар куни тозаланиб турилади. Шифокору ҳамшираларнинг хушмуомалалигини айтмайсизми. Ундан кейин оромгоҳ ҳудудининг тозалиги ва бошқа шароитлар ҳам соғайишимизни тезлатмоқда.

Санаторийда ҳаммаси бўлиб 465 нафар тиббиёт ходими ишлайди. Уларни ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий ҳимоялаш учун маъмурият касаба уюшмаси билан биргаликда анча юмушларни амалга оширмоқда. Масалан, бу ерда ишчилар ошхонаси бўлиб, унда барча тиббий ходимлар текин овқатланишади. Шифокор, ҳамшира ва ходимларнинг ҳаммаси бепул кийим-кечак билан таъминланган. Ходимларнинг биринчи синфга борадиган фарзандларига портфел ва ўқув қуроллари ажратилади, зарарли ишда ишловчиларга сут ва мева шарбати берилади. Шунингдек, ишловчилар ҳар йили бир марта даволаниш ҳуқуқига эгадирлар.

Бувиш ая Ортиқова Чимён қишлоғида истиқомат қилади. Ёши 72 да. Санаторийда ишламаган. Шунга қарамасдан унинг кам таъминланганлиги ҳисобга олиниб сиҳатгоҳ томонидан ёрдам берилаётир. Бундан ташқари, оромгоҳ қишлоқнинг 23,16-мактабларига ўқув қуроллари олиш учун 100 минг сўм маблағ ажратади. Маҳалла фуқаролар йиғини хонасини жиҳозлаш ва маҳаллани газлаштиришда баҳоли қудрат ёрдам берди.

Хуллас, бугунги кунда «Чимён» санаторийсида йилига минглаб дам олувчилар ўз саломатликларини тиклаб кетишмоқда. Бунинг билан сиҳатгоҳ жамоаси «Соғлом авлод учун» миллий соғломлаштириш ҳаракатига муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

**Ғулом ЮСУПОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**



*1999 йил — Аёллар йили*

# ИМТИЁЗЛИ ЙЎЛЛАНМАЛАР

**Савдо, матлубот кооперацияси ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларининг касб байрами нишонланмоқда. Бу соҳа ходимларининг хизматидан ҳар бир оила, ҳар бир фуқаро баҳраманддир. Мустақил диёримиз аҳолисининг озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа зарур эҳтиёжлар билан таъминланишида уларга хизмат кўрсатилишида шубҳасиз, соҳа ходимларининг муносиб ҳиссаси бор. Бозор иқтисодиёти бу касб эгаларини жиддий синовдан ўтказмоқда. Бозор - рақобат майдони. Кишилар ишончини оқлаб, уларнинг эътиборини қозониш осон иш эмас.**

Ўзгалар оғирини енгил, мушкулини осон этаётган шаҳримиздаги савдо аҳли, умумий овқатланиш ва матлубот кооперацияси ходимлари ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қандай ҳимояланган?

Уларнинг манфаатларини ҳимоя этаётган касаба уюшмаларининг фаолияти қандай?

Бозор муносабатлари шароитида касаба уюшмаларининг роли янада ошди. 1999 йил - «Аёллар йили» деб эълон қилиниши ўтган йилларда нишонланган «Инсон манфаатлари йили» ва «Оила йили» бўйича қатор тадбирларнинг узвий мантиқий қисми сифатида давом этаётганлиги иқтисодий ислоҳотлар янада чуқурлашиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Бу эса ходимларимиз ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш масалалари бўйича касаба уюшма ташкилотлари зиммасига қўшимча масъулият юклайди.

Савдо, умумий овқатланиш, матлубот ва турли шаклдаги тадбиркорлик кооперацияси ходимлари касаба уюшма Тошкент шаҳар қўмитаси ҳам ушбу йилда аёллар манфаатини ҳимоялаш юзасидан ижтимоий, маънавий ва иқтисодий соҳалар бўйича Дастур - йўналиш белгилаб олиб, аёлларнинг ҳар жиҳатдан юксак даражада камол топтиришга катта эътибор бермоқда.

Тармоғимиздаги касаба уюшма қўмиталарининг раислари орасида 102 нафар аёл баракали меҳнат қилиб келмоқда. Касаба уюшма қўмитаси раисларидан Наима Галиаскарова, Сурайё Абдазимова, Насиба Азизова, Ирина Гарина, Озода Рўзметова каби сидқидилдан меҳнат қилаётганлар хизматлари эвазига ҳамкасабалари орасида муносиб ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлмоқдалар.

Аёл-дунёни ёритувчи чирой. Аёлнинг фаровонлиги - оила барқарорлигининг асосидир. Оила барқарорлиги эса бевосита жамият осойишталиги, фаровонлиги билан узвий боғланиб кетади.

Тармоқ касаба уюшма шаҳар қўмитаси бу муҳим масалага жиддий ёндошиб, аёлларни ижтимоий ҳимоялаш борасидаги ўз мақсад ва вазифаларини жамоаларда Битимлар ва жамоа шартномалари орқали амалга оширмоқдалар. Жорий йилда ушбу ҳужжатларда аёллар учун бир қатор имтиёз ва кафолатлар ўз ифодасини топган. Хусусан, аёлларга меҳнат шароитларини яратиш, оналик ва болаликни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оналарга ҳақ тўланадиган қўшимча таътиллар бериш, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш кабилар шулар жумласидандир. Бу борада «Ардус» қўшма корхонаси, «Тошкент универмаги» супермаркати очиқ акциядорлик савдо ишлаб чиқариш жамияти, «Озиқа» жамоа корхонаси муҳим ва жиддий ишларни олиб бораётганлиги қувонарли ҳолдир.

Жорий йилда «Аёллар йили»га бағишланган тадбирларни бажариш учун тармоқ касаба уюшма шаҳар қўмитаси ва жойлардаги касаба уюшма қўмиталари 20 миллиондан кўпроқ маблағ сарфлашни режалаштирган. Муҳтарама аёлларимизни соғломлаштириш фаолиятимизнинг устивор йўналишларидан бири бўлиб, санаторий-профилакторийларда даволаниш, дам олиш уйларида хордиқ чиқаришлари учун юзлаб йўлланмалар ажратилмоқда. Уларнинг оилавий дам олишлари учун ҳам яхши шароитлар яратишга интилмоқдамиз. «Наврўз»,«Кумушкон», «Қизилсой»,«Сумча» сингари дам олиш уйларида соҳа ходимлари мириқиб хордиқ чиқармоқдалар. Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида келажагимиз бўлган азиз фарзандларимизнинг мазмунли дам олишлари учун барча шароит яратилган.

Тармоқ касаба уюшма шаҳар қўмитаси Тошкент шаҳар савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш Департаменти билан ҳамкорликда ҳам кўплаб тадбирларни ўтказмоқда.

Шунингдек,«Савдо ходимлари куни» байрами муносабати билан ҳам учрашувлар, тантанали кечалар ташкил этилди. «Соғ танда - соғлом ақл» деганларидек спорт мусобақаларини ўтказишга ҳам катта эътибор берилмоқда. Минифутбол, теннис бўйича май-июн ойида бўлиб ўтган шаҳар мусобақалари диққатга сазовордир. Соҳа ходимлари ўртасида Тошкент шаҳар савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш Департаменти ҳамда тармоқ касаба уюшма шаҳар қўмитасининг совринлари учун мини-футбол ва теннис бўйича ўтказилган қизиқарли баҳслар барчада яхши таассурот қолдирди.

Инсон ҳаёти меҳнат билан мазмунли, гўзалдир. Айтиш керакки, меҳнатнинг қадрига етиш, меҳнат аҳлини улуғлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоялаш жамиятимизнинг биз каби касаба уюшма ходимлари фаолларининг муқаддас вазифасидир.

**А.ЭШОНХЎЖАЕВ,**
**Савдо, умумий овқатланиш, матлубот ва турли шаклдаги тадбиркорлик кооперацияси ходимлари касаба уюшма Тошкент шаҳар қўмитасининг раиси.**



Канада

# OLAMDA NIMA GAP

**Х А Н О Й. Вьетнам савдо вазирлиги келгуси ойда Европадан келтирилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини текшириш бўйича махсус сўровлар ўтказмоқчи. Экспертиза учун Бельгия, Франция, Голландиядан келтириладиган гўшт ва сут маҳсулотлари олинади. Бундан мақсад маҳсулотлар таркибидаги инсон организми учун хавфли бўлган диоксин моддаси бор ёки йўқлигини аниқлашдир.**

* * *

**Т О К И О.** *Япония полиция маҳкамаси мамлакатга ноқонуний равишда оқиб келаётган наркотик моддалар устидан назоратни кучайтирди. Наркотик моддалар Хитойдан, шунингдек, Европа, Осиё ва «Олтин учбурчак» номини олган давлатлардан чегара орқали ўтиб келмоқда. Бу ҳол полиция маҳкамасининг божхона ходимлари билан ҳамкорликда жиддий иш олиб боришини талаб этмоқда. Жорий йилнинг шу кунига қадар бир тоннадан зиёд «ажал уруғи» ушлаб қолинди.*

* * *

**О Т Т А В А. Канаданинг Квебек вилоятида давлат шифохоналарининг 20 мингга яқин ҳамшираси иш ташлади. Шанба куни бошланган бу норозилик дам олиш кунининг ўзида 8 мингта жарроҳлик операциясининг бекор қилинишига сабаб бўлди. Иш ташлашнинг таъсири ҳафта бошиданоқ сезилмоқда. Квебек раҳбарлари бу муаммони ҳал этишнинг йўли уни ташкил қилганларни қамоққа олиш, деган фикрда. Ҳамширалар касаба уюшмаси эса бу таҳдиддан қўрқмаслигини маълум қилди. Бу норозиликка сабаб маошнинг камлиги эмас, балки шифохоналарда ҳамширалар учун иш ўринларининг қисқартирилаётганидир. Иш ўринлари қисқариши натижасида ҳамширалар 16 соат навбатчиликда туришга мажбур бўлишмоқда.**

**(ЎзА)**

